Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 20-fevral № 22-23 (2748) shanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Ҳеч нарса юртни спорт-чалик дунёга машҳур ва таниқли қила олмайди.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Фаоллик – келажак кафолати

18 январ куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказида «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар» тўғрисида мамлакат касаба уюшмалари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзКУФК раиси Дилбар Жаҳонгирова сўзга чиқиб, бу борада касаба уюшмалари олдида турган вазифалар тўғрисида атрофлича тўхталди.

Дилбар Жаҳонгирова ўз маърузасида 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим вазифалари бажарилишига касаба уюшмалари ҳар томонлама кўмаклашиши лозимлигини қайд этди. Жумладан, Юртбошимиз маърузасида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини ҳаётга татбиқ этиш, банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш, етакчи базавий тармоқларни модернизация қилиш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга эътибор қаратилган. Шунингдек, қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурини амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга кўмаклашиш ҳам шулар жамласидандир.

Бу жараёнда ОАВ имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда қонунлар моҳиятини меҳнаткашларга етказиш муҳим ўрин тутади. Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш, бандликка кўмаклашиш, чорвани кўпайтиришни рағбатлантириш, ҳуқуқий ҳимоя, меҳнатни муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифатини яхшилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий, спорт тадбирларини янада оммалаштириш, ёшлар қалбида ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш касаба уюшмалари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади.

Маъруза юзасидан музокарага чиққан ЎзКУФК раисининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Содиқов ҳам айрим долзарб масалаларга эътибор қаратиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаётида 2010 йил муҳим давр ҳисобланади. Яъни барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлари бўлиб ўтади. Ҳозир республикамиздаги 33209 та бошланғич ташкилотда бу жараён қизғин давом этмоқда. Ҳисобот даврида амалга оширилган ишларни қайта кўздан кечириш, танқидий баҳолаш орқали долзарб вазифаларни белгилаб олиш мумкин.

— Президентимизнинг қорақалпоқ заминида амалга оширилган ишлар, йирик стратегик лойиҳалар бўйича инвестицияларнинг киритилиши тўғрисидаги ижобий фикрлари қорақалпоқ халқининг эртанги кунга бўлган ишончини янада кучайтирди, — деди Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Соғиндиқ Ниетуллаев.

Унинг қайд этишича, Республикада жамоа шартномаларига киритилган мажбуриятларнинг 97,3 фоизи бажарилган. Шу билан бирга, инқирозга қарши дастур бажарилишига кўмаклашиш борасида эришилган ютуқларни ҳам эътироф этиб ўтди.

— Йил якунларига бағишланган йиғилишда олтита устувор йўналиш белгилаб берилган эди. Ушбу масалалар вилоятимиз миқёсида муҳокама этилди ва қатор тадбирлар амалга оширилди, — деди Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Камолиддин Оқбўтаев. — Жумладан, касаба уюшмаси зиммасига бандликни таъминлаш соҳасида мониторинг олиб бориш юклатилган. Жорий йилда вилоятимиз миқёсида 37920 та иш ўрни яратиш бўйича 130 млрд. сўм маблағ ажратилмоқда.

Президентимизнинг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда махсус тарғибот-ташвиқот гуруҳи иш бошлади. Айни кунларда слайдлар яратилди, плакат, буклетлар тайёрланди. Шунингдек, ўтган йил сарҳисоби ва вилоятда амалга оширилажак ишлар юзасидан махсус қўлланма чоп этилиб, жойларга тарқатилди. Ташвиқот гуруҳининг илк учрашуви кеча Сирдарё ГРЭСида бўлиб ўтди.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Тўлқин Тешабаев жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чораларнинг ўз вақтида кўрилгани, алоқа ва ахборотлаштириш бўйича қабул қилинган дастур ва режаларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда имкониятдан оқилона фойдаланилгани туфайли алоқа ва телекоммуникация соҳасида ижобий натижаларга эришилганига эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, 2009 йил якунига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан жами 1 трлн. 742,5 млрд. сўмлик хизмат кўрсатилган бўлиб, бу 2008 йилдагига нисбатан 16 фоиз кўпдир. Шу билан бирга, Президентимизнинг маърузасида таъкидланганидек, 2009 йилда 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бошланган ва ҳозир давом этмоқда.

— Бугунги кунда республика бўйича телефон станцияларининг монтаж сиғими 2 млн. 95 минг номерни, рақамлаштириш даражаси 92,3 фоизни ташкил этади, — деди Т.Тешабоев. — Бундан ташқари, уяли алоқа тармоқлари ва симсиз алоқа технологиялари жадал ривожланмоқда. Таълим ва маданий-маърифий муассасалар, жумладан, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларидан 6517 таси «ZiyoNET» тармоғига уланган. Бунда касаба уюшма ташкилотлари ҳамда фаолларининг алоҳида хизмати борлигини таъкидламоқчиман.

— «Тошкент трактор заводи» ОАЖ мамлакатимиздаги йирик корхоналардан ҳисобланади. 2010 йилда 99,3 млрд. сўмлик 3000 та трактор, 3000 та прицеп ишлаб чиқариш режалаштирилган. Маҳсулотлар ҳам ички, ҳам ташқи бозорда жуда харидоргир, — деди завод касаба уюшма қўмитаси раиси Алла Долженкова. — Жамоамиз Президентимизнинг маърузасида белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шунга монанд ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича касаба уюшма қўмитаси ҳам фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий университети талабалар касаба уюшма қўмитаси раиси Исломжон Ҳамроев:

— Таъкидлаб ўтиш жоиз, охирги йилларда касаба уюшма ташкилотлари ёшларга катта эътибор қаратмоқда. Жумладан, касаба уюшмалари тизимида Ёшлар кенгашлари ташкил этилди. Уларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳамда салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кенг имконият яратиб берилмоқда.

Яқинда талабалар касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтказилган «Олтин давр ниҳоллари» тақдимоти ҳам фикримизни яққол исботлайди. Унда йил якунлари бўйича илм, спорт, санъат, жамоат ишларини ташкиллаштиришда ибрат кўрсатган талабалар тақдирланди. Бу бошқа талабаларни интилишга, қобилиятини намоён этишга чорласа ажаб эмас.

— Давлатимиз раҳбарининг ҳар иккала маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини кенг жамоатчиликка етказишга, қонунларимиздаги бош тамойил — инсон манфаати устуворлиги асосида ишлаётган касаба уюшмаларининг ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолиятига нашрларимизда бундан кейин ҳам кенг ўрин берилади, — деди «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Абдухолиқ Абдураззоқов. — Эътибор бериб қарасангиз, касаба уюшмалари сайлови мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва янада ривожлантириш руҳида ўтмоқда. Чунки халқаро андазаларга мос фуқаролик жамиятини барпо этишдан энг манфаатдор институт касаба уюшмалари эканлигини ҳар бир етакчи яхши тушунади ва шунинг учун курашади. Уларга минбар бўлиш учун таҳририятда ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, А.Абдураззоқов Президентимиз маърузасида оммавий ахборот воситалари мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатини мустақиллик манфаатини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиши лозимлигига, соҳа ходимларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратгани, бу эса таҳририят зиммасидаги масъулиятни янада оширишини таъкидлаб ўтди.

Йиғилиш сўнггида Президентимиз маърузаларида белгиланган вазифалар юзасидан Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари йиғилишининг резолюцияси қабул қилинди. Шунингдек, жорий йилда бўлиб ўтаётган касаба уюшмалари ҳисобот-сайлов йиғилишларини кўтаринки руҳда ташкил этиш, сайланаётган касаба уюшма органлари таркибига билимдон, обрў-эътиборга эга, масъулиятли кадрларни сайлаш бўйича вазифалар белгилаб олинди.

Акмал ТОШЕВ,
Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбирлари
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Ижтимоий ҳаёт ▶

Ўзбек чироқлари

Ким қора чироққа мой
топган чоғлар,
Тўшак сўкиб пилик
эшган замонда
Зухро юлдузидек
мавжланиб порлар
Ўзбек чироқлари
Афғонистонда.

Тортилган симлардек
туташган томир,
Менинг ҳам бенаво
наволарим бор.
Мени ҳам кечалар
босар хавотир,
Унда макон топган
боболарим бор.

Афғон деган муҳр
босилган қачон,
Қайдасан мардумнинг
ўгай онаси?
Наҳотки, бу замин машқ
учун майдон,
Янги қуролларнинг
синовхонаси?

Сўйла, ҳаётми шу – на нажот,
на эрк,
Дамо-дам қиёмат
шайланиб турса.
Ўлимтик ахтарган
ўлаксахўрдек
Жангари учоқлар
айланиб юрса.

Мен туғилиб ўсган
Қўштегирмонда
Қийиққа тугилган тишлоқ
ноним бор.
Қандаҳор йўлида –
Ажалдовонда
Қизил иблис тўккан қирмиз
қоним бор.

Ё қайғу, ё севинч кўзга
берар ёш,
Йўлчи юлдузларим
чорлаб турибди.
Мозори Шарифда
кўнглимдек нурпош
Ўзбек чироқлари
порлаб турибди.

Қишда қор сўрасанг
бермайди нокас,
Оби раҳмат – сувни
қизғонар бадкор.
Аммо дўстнинг кўли
муаллақ қолмас,
Оқибати бутун Инсонлар
ҳам бор!

Савоб ва саховат
ўзбекка мерос
Шу боис кулбалар
зиёга тўлди.
Навоийнинг руҳи шод
бўлгани рост:
Боболарим қабри
нурафшон бўлди.

Ғафлатдан сесканиб
уйғонар дунё,
Тиниқ тортар Темур сув
ичган булоқ.
Боболар чироғин
ёқибсиз, илло,
Ҳеч қачон ўчмагай
Сиз ёққан чироқ!

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Бугуннинг мавзуси ▶

Янги уйлар муборак!

Ривоят қилишларича, ҳовлини бозорга солган ўғилга отаси аввал бир янги тандир қуришни, шунда унинг нархи ошишини маслаҳат беради. Ўғил ота кенгашига амал қилади ва пешонасидаги реза-реза терларни арта туриб: «Тандир қуриш шунчалик кийин бўлса, бу кўша-кўша иморатларни тиклашга, бизга ватан яратишга отам бечора бутун умрини сарфлаган экан-да», дея ўғил ҳовлини сотиш фикридан қайтади.

Не бахтки, бугун янги ҳовли-жойни орзулаган, унга эҳтиёж сезган оилаларга тайёр янги уйнинг калити топширилаяпти. Уйки — барча қулайликлар муҳайё этилган, шинам ва замонавий. Бу ҳам фаровонликдан бир нишона. Мустақиллигимизнинг бир шарофати-да. Президентимизнинг, мамлакатимиз ҳукуматининг халқимизга, хусусан, ёш оилаларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан далолат.

(Давоми 3-бетда)

Бу ҳақида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Ҳар сафар қўли қадоқ, кўнгли ўзи етиштираётган пахтадек оқ деҳқонлар, халқимиз дастурхонини тўкин қилиш мақсадида туну кун меҳнат қилаётган чорвадору боғбонлар билан суҳбатлашганимда шундай меҳрибон халқимиз борлигидан қалбим жунбишга келади. Бундай инсонларнинг оғирини енгил қилиш ва ҳар қадамда уларни қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш зарурлигига яна бир бор иймон келтираман.

Ерни боқсанг, элни боқади

Ҳа, ўтган йили ана шундай элимюртим деб ёнган мўътабар инсонларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 7,3 миллион тонна ғалла, шу жумладан, 6,3 миллион тонна буғдой, 3,4 миллион тонна пахта ҳосили етиштирилди. Бу рақамлар айтишгагина осон, лекин унинг замирида улкан меҳнат ётганлигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Айни вақтда тармоғимизда 144 та туман кенгашлари, 27 та туман вакилликлари ҳамда 4784 та бошланғич ташкилотлар мавжуд бўлиб, аъзоларимиз сони 2.133.005 нафарни ташкил этади.

Бултур йил мазмунидан келиб чиққан ҳолда, ишсизликнинг олдини олиш, меҳнат бозорини бошқариш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, тармоқ меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш мақсадида Марказий кенгашимиз Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда республикамиз агросаноат тизимига қарашли бошқарма, қўмита, уюшма, компания ҳамда инспекциялар билан 15 та тармоқ келишувлари тузган эди.

(Давоми 3-бетда)

Бадиий гимнастика ▶

Азизанинг медаллари

Осиё чемпионатининг яккалик баҳсларида мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари тўртта олтин ва иккита кумуш медални қўлга киритди.

(Давоми 8-бетда)

Ishonch

2010-yil 20-fevral №22-23 (2748)

Ҳисобот-сайлов йиғилиши

Холис фикр

фаолиятимизни жонлантирмоқда

Таълим ва фан ходимлари Бувайда тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси таркибида 100 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз атрофига 6318 нафар аъзони бирлаштирган.

Дастлабки намунавий ҳисобот-сайлов йиғилиши 10-мактаб бошланғич касаба уюшма ташкилотида ташкил этилди. Унда таълим муассасаларидаги барча бошланғич ташкилот етакчи ва фаоллари қатнашди.

Спорт-соғломлаштириш тадбирларига 802 минг 250 сўм, оммавий-маданий тадбирлар учун 910 минг 600 сўм, кам таъминланган тармоқ ходимлари фарзандларини болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш учун 534 минг 830 сўм сарфланди.

Шуниси диққатга сазаворки, ҳисобот-сайлов йиғилишларида камчиликлардан хулоса чиқарилиб, янги режалар белгилаб олинмоқда. Ҳар бир касаба уюшма аъзоси холис фикрлари билан ишнинг яхшиланишига ҳисса қўшмоқда.

Нўъмонжон КАМОЛОВ,
таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Бувайда тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Жиддий синов

Сирдарё вилоятининг Боёвут туманидаги «Наврўз» сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида жойлашган 41-умумтаълим мактаби касаба уюшма ташкилотида ҳисобот-сайлов бўлиб ўтди.

Йиғилишда мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси Бегимой Норбўтаева ҳисобот маърузаси қилиб, ўтган беш йил мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Ҳисобот даврида мактаб касаба уюшма ташкилоти аъзолигига жами 5 киши қабул қилинди ва ҳозирги вақтда уларнинг умумий сафи 28 кишига кенгайди. Ташкилот нафақат сон, балки сифат жиҳатидан ҳам мустаҳкамланади. Айниқса, ижро интизоми ва иш юритиш янги таҳрирдаги Устав талаблари асосида йўлга қўйилди.

Мактаб касаба уюшма қўмитаси фақат рағбатлантириш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ходимларни моддий-маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаб бораётгани такрор-такрор тилга олинди. Иқтисодий кўмакка муҳтож бўлган 3 нафар ўқитувчи шулар жумласига киради.

Йиғилиш кун тартиби бўйича мактаб касаба уюшма қўмитасининг янги таркиби сайланди.

Шунингдек, ҳисобот-сайлов йиғилишида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Боёвут тумани ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов анжуманига мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси этиб, янги муддатга қайтадан ва якдиллик билан сайланган Бегимой Норбўтаевани вакил сифатида сайлаш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари фаолиятимизни ўзида акс эттирувчи кўзгу ҳисобланади. Туманимизда мазкур жараёнга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 12-умумтаълим мактабида намунавий ҳисобот-сайлов йиғилиши ташкил этилди.

Ташаббусга эътибор қаратилмоқда

Бугунги кунда туманимиздаги 66 та бошланғич ва 17 та цех касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари қизғин тус олган. Ҳар бир таълим муассасасига туман бирлашган қўмитаси аъзолари бириктириб қўйилган бўлиб, сайлов жараёнида ташаббускор, касаба уюшмаси аъзолари манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган етакчиларни сайлашга эътибор қаратилмоқда.

У. ДАВРОНОВ,
таълим ва фан ходимлари Тошлоқ тумани бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Бир овоздан қайта сайланди

Яқинда пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган Темурийлар тарихи давлат музейида касаба уюшма қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Сурайё Ўлжабоева 2005-2009 йиллар давомида олиб борилган ишлар хусусида муфассал сўзлаб берди.

Ҳисобот даврида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш, маданий-маърифий масалалар бўйича жамоа шартномасида белгилаб олинган барча бандлар бажарилишига эришилгани қайд этилди.

Касаба уюшма тақдимоти асосида бир йилда икки марта энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробари, оиласида тўй маросими ўтказаётганларга бир ойлик маош миқдорида маъмурият ҳисобидан моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, қатор ходимлар бепул ва имтиёзли йўлланмалар билан сиҳатгоҳларда дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтдилар.

Маъруза юзасидан муҳокама чоғида ташкилотнинг ютуқлари билан бирга камчиликлари ҳам тилга олиб ўтилди.

— Меҳнат интизомига қатъий риоя қилиниши бизнинг ишимизда ниҳоятда муҳим. Касаба уюшма раиси билан кўпинча шу масалада тортишиб қоламиз, — деди музей директори Нозим Ҳабибуллаев. — Шунинг учун ҳам 2009 йилда жамоа шартномасига ташкилот етакчиси билан келишган ҳолда меҳнат интизомига оид янги банд киритдик.

Йиғилиш сўнггида Сурайё Ўлжабоева бир овоздан қайта касаба уюшма раиси этиб сайланди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Сирдарё вилоят бошқармаси касаба уюшма қўмитаси ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилот етакчиси Насиба Жумаева ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Қониқарли деб топилди

Жамоа шартномасига мувофиқ, илғорларга мукофотлар, узлуксиз меҳнат стажи учун белгиланган устама, байрам ва дам олиш кунлари ишга жалб қилинганларга эса икки баробар миқдорида иш ҳақи тўланди. Бундан ташқари, куз фаслида ходимлар қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан таъминланиб, барча байрамларда моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда.

Ҳисобот даврида пенсия ёшига етган 8 киши уч ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантирилди. Шунингдек, фарзанди уч ёшга тўлмаган аёлларнинг иш вақти ҳафтасига 35 соат қилиб белгиланганлиги ҳам алоҳида таъкидга лойиқ.

8 нафар ходим сиҳатгоҳ ва дам олиш муассасаларида соғлиқларини тиклади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида фикр билдирди. Насиба Жумаева қайтадан касаба уюшма раиси этиб сайланди.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув-услубий семинар

Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Ўзбекистон Автомобил, дарё электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Наманган вилоят вакиллиги тизимидаги корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда хусусий йўловчи ташиш уюшмалари раҳбарлари иштирокида ўқув-семинар ўтказилди.

Унда корхона ва ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш, жамоа шартномалари талабларининг ўтган йилда қанчалик бажарилганлиги ва 2010 йил учун қайта кўриб тасдиқлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Пазлидин Паязов, тармоқ ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши раиси А. Умаров маъруза қилди.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ishonch» мухбири

...У чўпондир — етти ўлка кезади...

Маҳтумқули ва Дурди шоир айтишувидан.



(Давоми, бошланиши ўтган сонларда).

Кекса чўпоннинг гурунгига бажонидил қулоқ тутаман:

— Чўпонларда шумлик кўп, фурсат топди дегунча бири иккинчисини синаб кўришга, серўт яйловларни ҳамкасбидан олдинроқ эгаллаб олишга уринади. Жуҳутлик (Помуқдаги маҳалла номи) Тўра бобо қишлоқнинг олд чўпонларидан бўлганини эшитгандирсан. Хуллас, ёш ҳамкасбининг синчилиги ҳақидаги гурунглар у кишининг ҳам қулоғига чалиниб, Исмоилни синамоқчи бўлибди. Шу мақсадда, ёнашик қўй боқаётганларидан фойдаланиб, икки отарнинг ҳангоматалаб чўпон-чўлиқларига ўзи Исмоил чўпонни чалғитиб туришини, шу онда икки отарнинг қўзиларини қўшиб қўйишларини топширган. Бироздан сўнг чўлиқлардан бири қум барханида ёнбошлаганча чой қирқаётган (чўпонларнинг чойхўрлик қилишга берган таъбири) бош чўпонларнинг ёнига ҳаллослаганча етиб келибди-да:

— Тўра ака, қўзиларимиз Исмоилнинг қўзилари билан қўшилиб қолибди, қандай бўлиб олишни билмаяпмиз, — дебди.

— Кўзларинг қаёқда эди сурувга қарамай? — койиган бўлибди Тўра бобо, сўнг Исмоилга қарабди. — Мен бир кекса одамман, ўйинқароқ қўзиларнинг изидан чопиб юрмай, ўзинг ажратиб олақол.

— Майли, Тўра ака, сиз бемалол дам олаверинг, ўзим сурувларни ажратиб қўяман.

Чўлиқлар қўшилган сурувни қўтонга қамашибди, Исмоил чўпон бирин-сирин ўз қўзиларини тортиб чиқаверибди, эшикда турган Тўра бобо ҳар он дуркунроқ қўзини олиб чиқаётганларида қўлидаги таёғи билан туртиб:

— Буниси сеники эмас, — деб қайтарармиш.

Исмоил чўпон тўртта қўзисини Тўра бобо ноўрин қайтарган бўлса-да, устозининг кўнглига тегмаслик учун:

— Ажратиб бўлдим, энди ўзингиз бир қаранг, — дебди.

— Ҳаммасини чиқариб олдингми? — сўрабди Тўра бобо унга синовчан нигоҳини қадаб.

— Сиз қайтарган тўрт қўзидан бошқа ҳаммасини олдим.

— Ол-э ўша тўрт қўзингни, мен синаш учун сеники эмас дегандим, шунча эшитган бўлсам-да сингирлигингга энди тан бердим...

Холли бобо ҳикоясини тугатгач, ўтовдан чиқдик, бу пайт ўша қулоқни тиндириб маъраётган қўзининг уни ўчганди. Кўрпачга қарадим, қўзи йўқ, жониворни сўйиб юборишдимикин деган хавотирда:

— Қани бояги қўзи? —деб сўрадим.

— Ана, марри қўйни эмиб юрибди, — Холли бобо қўлини кўтон томонга сермади.

Устига бошқа қўзининг териси ўраб бойланган қўзичоқ тамшаниб-тамшаниб елини тирсиллаб турган совлиқни эмар, қўй эса ҳар замонда қўзининг устидаги терини ҳидлаб-ҳидлаб қўярди.

— Бу қўзиси сўйилган ёки серсут қўйга онаси боқолмаган бегона қўзини олдиришнинг бир услуби, — тушунтирди кекса қўйчивон. — Бошқача йўли ҳам бор, бунинг учун серсут қўй-қўзисининг чорасини (ахлати) қаровсиз қолган қўзи терисига яхшилаб суртиб қўйиш кифоя, совлиқ боласини ҳидидан ажратади.

...Холли бобо мароқ билан гапиради, мен эса чўпон ва чўпончилик ўртасидаги тафовутни чуқурроқ ҳис қилиб бораётганимдан шодумон бўламан...

5

Айрим яйловларнинг номланиши ҳам кишида қурқув уйғотади. Помуқ атрофини ўраб олган паст-баланд алонглардан бир эмас, иккитаси Қизўлдитепа деб номланади. Болалик чоғларимиз кўзачада сув олиб, уч-тўрт қўйэчкиларимизни ўтлатишга чиқаётганимизда катталар такрор-такрор шу гапларни қулоғимизга қуйишарди:

— Чўлда сувсиз қолсанг саробга учрама, болам, у субутсиз одамлар сингари алдамчи. Сароб ўтмишда не-не кишиларни хароб қилмаган, илоё у кунлар қайтиб келмасин.

У пайтлар одамларнинг бир-бирига меҳри юқори эдими ёки болалик хотираларимдан шундай жой олганми, қишлоқ оқшомларининг гашти ўзгача бўларди. Қўшниларнинг ҳаммаси дастурхон атрофида жамулжам бўлмагунча бўрдоқи шўрва сузилмасди. Қиш оқшомлари гурунгга ўч аёллар навбати билан кимникидадир тўпланишар, чарх айлантириб гурунгни авж олдиришарди. Биз болалар қизиқарли суҳбатга қулоқ тутиш, кўплашиб яшинмачоқ ўйнаш учун оналаримизга соядек эргашардик. Кунлардан бир кун аёлларнинг энг кексаси Ойширин момо айтиб берган ҳикояни ҳалигача унутолмайман.

— Агар жим ўтирсаларинг, Қизўлдитепанинг тарихини айтиб бераман, майлими?

— Айтинг, моможон, чурқ этмаймиз.

— Бу воқеа мен сизлардек вақтда содир бўлган. Ўттизинчи йиллар Помуқдан уч-тўрт чақирим масофадаги Потдо сардобаси яқинида учта лойсувоқ уй бўларди. Чўпонлар тўл мавсумида сурувни шу ерга ҳайдаб келишар, қишлоқ аёллари марри (қўзиси қоракўл тери учун сўйилган қўй) соғишарди. Қайтишда уйларига сардобадан сув олишарди. Оналаримиз қўй сутидан тайёрлаган бринза бизга мойдек ёқар, бироз шўрлигига қарамасдан, очарчилик йиллари эмасми, қорнимиз тўйгунча еб олардик, кейин устмауст сув ичишни қўринг. Бир куни онасига эргашиб кетган 12-13 ёшлардаги қиз катталарга билдирмай Патдодан сув ичишга кетибди. Чўлнинг жазирамаси эрта баҳорданоқ жонли-жонзоднинг силласини қуритарди, кўп ўтмай бечора қиз саробга алданибди. Кечга яқин унинг йўқолганини сезиб қолишди. Чақириб кўришди, жавоб йўқ, борлиққа қоронғу аралашгани боис қидирувлар беҳуда кетди. Эртасига сурувни сардобадан суғоришга келаётган чўпон ана шу тепалик устидан қизнинг қум боса бошлаган жасадини топибди. Уни ўша ерга жойлашди, шу-шу Қизўлдитепа деган ном қолди.

Бу яқин ўтмишдан қолган бир ҳикоя, аммо Помуқ атрофидаги Чилгумбаз, Патдо, Сурхи сардобалари ким неча кишиларни сувсизликдан асраб қолгани тайин.

6

Чўпоннинг тағин бир ҳамроҳи — заранг таёқ ҳақида ҳам кўп хосиятли гапларни эшитганман. Илгарилари чўпон таёғи отадан ўғилга ўтиб, ишончли қўлларда бўлиб келган.

— Мана шу менга ота-боболаримдан ўтиб келаётган энг азиз мерос, — деди моҳир қўйчивон Холли бобо Саидов йиллар залворида силлиқлашиб қолган чўпон таёғини меҳр билан сийпалаб. — У яхши кунларимнинг ҳам, ташвишли онларимнинг ҳам ҳамроҳи. Бурноғи йили уни набирамга топширгандим. Лекин ҳанузгача чўлнинг тафти ўзига тортади, уйда оёқ чўзиб ўтиролмайман, қалбим таниш яйловларга талпинаверади.

Холли бобонинг мулоҳазалари сабаб чўпон қалбининг яйловга боғланиб қолиши билан боғлиқ бир фожиали воқеа ҳақида эшитганларимни эслайман...

Бешинчи боб

1

Нурмамат бобо шувоқнинг ўткир ифорини тўйиб-тўйиб ҳидларкан, хотиралар қатини ағдаришда давом этади:

— Ўшанда Оғаниёз ота пенсияга чиққанди, бемалол қишлоқда тенгқурлари билан гап сотиб ётиши мумкин эди. Аммо чорвага, касбга бўлган муҳаббат уни яйловга етаклади. Бу Оғаниёз бобо ҳаётидаги сўнгги сафар бўлиб қолди...

2

Қишнинг аёзли кунларидан бирида Оғаниёз бобонинг дарвозаси олдига

Ishonch
2010-yil 20-fevral №22-23 (2748)

Қашқадарё вилоятининг Касби, Қарши, Қамаши, Ғузор ва Китоб туманларида намунали уй-жойлар қурилиши давом эттирилмоқда.

Касби туманида қад рослаётган «Юксалиш» деб номланган янги қишлоқда 20 та 4 хонадан иборат 1 қаватли уйларда сўнги пардозлаш ишлари давом этмоқда. Қурилишни «Очилов Нодир Қодирович» ихтисослашган хусусий корхонаси олиб бормоқда.

Суратларда: (чапдан) қурувчилар Саттор Мамаев, Қудрат Маҳмудов ва Шуҳрат Бобоев; «Юксалиш» қишлоғида қад рослаётган замонавий уй-жойлар.

Шомурод Шаропов (ЎзА) олган суратлар.

Бугуннинг мавзуси ▼

Янги уйлар муборак!

(Боши 1-бетда)

Қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, халқимизнинг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида мамлакатимизда, жумладан, Фарғона вилоятида кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари янги босқичга кўтарилаётгани одамларга қувонч бағишламоқда. Бунда Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастурламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун қаерда бўлманг, енг шимариб меҳнат қилаётган бунёдкорларни, кун сайин, соат сайин қад ростлаётган замонавий, шинам, барча қулайликларга эга уй-жойларга кўзингиз тушади. Намунавий лойиҳа асосида қурилиб, имтиёзли кредитлар ҳисобига ҳамкорларимизга тақдим этилаётган турар-жойларнинг ички ва ташқи қиёфаси чиндан-да гўзал. Бу ҳовлиларда ҳадемай уй тўйлари бошланиб кетади. 2010 йилда 610 та ана шундай уйларга бахтиёр оилалар кўчиб ўтишади. Янги уйлар маҳаллий, пишиқ ва пухта қурилиш материалларидан бунёд этилади. Тасдиқланган намунали лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши учун «Вилоят қишлоқ қурилиш инвест» компанияси буюртмаси асосида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки кредитлари ажратиляпти.

— Туманимизда 40 та уй-жой қурилиши кўзда тутилган, — дейди Бувайда тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Аминжонов. — Бунинг учун Янгиқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Додхо қишлоғида 2,5 гектар ер ажратилди. Уйлар бир ва икки қаватли бўлади. Хоналар сони ҳам ҳар хил. Барчасида ҳаммом, ошхона, омборхоналар мавжуд.

Данғара туманидаги Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини Чинобод қишлоғида 68 та бир ва икки қаватли, уч тўрт ва етти хонали уйлар қурилишини 93-, 102- қурилиш жамланмалари бунёдкорлари олиб боришяпти.

Фарғона туманидаги Миндонобод қишлоғида 20 та, Ўзбекистон туманидаги Ҳаётобод қишлоғида 20 та намунавий турар-жойлар калити яқин вақт ичида эгаларига топширилади.

Қишлоқларимизнинг бош режасини қайта кўриб чиқиш, намунавий лойиҳалар асосида замонавий уйлар қуриш вилоятимизнинг бошқа туман ва қишлоқларида ҳам жадал давом эттирилмоқда. Албатта, лойиҳалаштириш ва қурилиш жараёнида қишлоқ шароити, қишлоқ аҳолисининг эҳтиёжлари, миллий қадриятларимиз инобатга олинганлиги харидорларга маъқул бўляпти.

Вилоятимиз барча ҳудудларида қурилиш майдонлари тобора кенгайиб, янги-янги аҳоли пунктлари, ўқув юртлари, хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилмоқдаки, бундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини қурилиш материалларисиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Сифатли ва пишиқ ғишт қурилишнинг асосий «нон»идир. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 19 июндаги «Девербоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қарорда қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар бунёд этиш, ҳозир ишлаб турганларини замонавий ва тежамкор технологиялар билан жиҳозлаш, шу йўл билан маҳсулот тайёрлаш сифат ва миқдорини кўпайтириш, корхоналарнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсади кўзда тутилган.

Шунга кўра, вилоятимизда ғишт ишлаб чиқарадиган корхоналар сони ва салмоғини ошириш, қурилиш ташкилотлари ва аҳолининг пишиқ ғиштга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла қондириш йўлидаги ҳаракатлар изчил бошлаб юборилди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, Фарғона шаҳрининг Ёрмозор ҳудудида катта йўл ёқасида янги турар-жойлар барпо этилмоқда. «Кредитстандартбанк» маблағи ҳисобига молиялаштирилган ушбу аҳоли яшаш пункти қурилишига «Гред Силк сервиз» масъулияти чекланган жамияти бош пудратчи этиб белгиланган. Қурилиши бошланган, ҳар бири 6 сотихли дастлабки 40 та уй эгалари Наврўз айёмини янги ва шинам уйларда нишонлайди. Жорий йил охиригача 100 та оила шундай уйларга кўчиб ўтади.

Абдужалил БОБОЖОНОВ, журналист
Раъно МАҲКАМОВА, «Ishonch» мухбири

▼ Бу ҳақида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Ерни боқсанг, элни боқади

Айнан шу ҳужжат орқали «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да тармоқ меҳнаткашлари кўплаб имтиёзлардан баҳраманд бўлишди. Жамоа шартномасига асосан узайтирилган таътиллардан (15 иш кунидан кўп миқдорда) 935 минг 796 нафар ишчи-хизматчи фойдаланди. 6340 нафар ходим соғломлаштирилди. 1006 та корхонадаги 7054 та иш ўринлари аттестация қилинди.

Тармоқ кенгашлари меҳнаткашларини муҳофазалаш учун 15 млрд. 200 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 66219 та жамоа шартномаларига ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан олдин касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаби киритилди.

Ўтган йили республикамизда мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномаларига 4782907 та тадбир киритилганди. Уларнинг 90 фоизи ҳаётда ўз аксини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони соҳа истиқболида қўшимча имкониятлар яратди. Мазкур ҳужжатга асосан озиқ-овқат экиладиган майдон 75,8 минг гектарга оширилди. Илк бор 7,3 миллион тоннадан зиёд сара дон етиштирилди. Шу билан бирга, фермер хўжаликларининг ер майдонлари кенгайтирилиб, уларга қулай шароит яратиб берилгани боис суғориладиган ерлардан ҳосилдорлик гектарига 50 центнердан ошиб кетди.

Тармоқдаги шу сингари кенг қамровли ислоҳотлар натижасида 10 млн. 470 минг тонна қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Ҳосилнинг 1 миллион 205 минг тоннаси қайта ишлаш корхоналарига етказиб берилди. 414 минг тоннаси экспорт қилинди. 385,4 минг тоннаси уруғлик учун ажратилиб, қолган қисми эса ички бозорга чиқарилаётир.

Ўрни келганда бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Биз ерни, бизга ризқ-рўз улашаётган заминимизни асраб-авайлашимиз зарур. Юртбошимизнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида агросаноат тизимидаги ютуқлар ва вазифалар атрофлича таҳлил қилиб берилган. Хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дарҳақиқат, заминимиз саховати ҳар қанча эъзозга лойиқ. Буни биз бир дақиқа бўлса-да унутишга ҳаққимиз йўқ.

Айни вақтга келиб фермерлар қишлоқ хўжалиги тармоғида катта куч саналмоқда. Мамлакатимизда ўтган йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 105 минг фермер хўжалиги мавжуд бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 80 минг 26 тани ташкил этади. Уларда 1542800 киши меҳнат қиляпти. Мазкур фермер хўжаликларининг 92 фоизида жамоа шартномалари тузилган. Нега ҳаммасида эмас, деган савол туғилиши табиий. Бунинг асосий сабабларидан бири, айрим хўжалик раҳбарларининг касаба уюшма ташкилоти ҳамда жамоа шартномаларининг аҳамияти тўғрисида етарли маълумотга эга эмасликлари билан изоҳланади. Биз ушбу муаммони ҳам тезлик билан ҳал этишимиз зарур. Токи ҳар бир фермер хўжалигида меҳнат қилувчи шахс турли имтиёзлардан, шу жумладан, меҳнат муҳофазаси борасидаги тушунчалардан ўз вақтида хабардор бўлсин.

Баркамол авлод йили муносабати билан келишувларга муайян имтиёзлар киритилди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларини ўқув қуроллари, дарсликлар ҳамда мактаб формалари билан бепул таъминлаш, янги оила қурган ёшларга моддий ёрдам кўрсатиш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган кам таъминланган оила фарзандларининг билим олиши учун тўланадиган контракт пулининг бир қисмини тўлаб бериш шулар жумласидан. Шунингдек, ишловчи аёлларга туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар куни корхоналар томонидан узайтирилади. Кўп болали (4 ва ундан зиёд боласи бор) аёлларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилади.

Шамси ЭСОНБОЕВ, Республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси

эскигина «Виллис» машинаси келиб тўхтади.

— Бизни Бешкент туман МТСи директори Холдор Ёмғиров жўнатди, — деди ўзини давлат наслчилик ўстириш идораси катта зоотехниги Раҳим Дўстбобоев деб таништирган киши. — Хўжаликка қарашли сурувлардан бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасига зотдор қўчқор танлашимиз керак экан. Холдор ака Оғаниёз отага учрашинглар, наслли қўчқорни ҳеч ким у кишидек саралай олмайди деганди. Бизга ёрдам берсангиз.

— Бош устига, лекин дўстим Чори Бегматовни ҳам олиб кетамиз. Наслли қўчқорларнинг зўри унинг сурувида кўп. Бугун анча кеч бўлиб қолди, эртага азонлаб йўлга чиқсак.

— Ихтиёр сизда, фақат дам олишингизга халал берганимизни кўнглингизга олманг.

— Овораси борми, ўзим ҳам икки-уч кун яйловларга чиқиб кетсамми деб тургандим...

3

Саксонинчи йиллардаги ёндафтаримни варақлаб, ўша машъум сафар ҳақида кексалардан ёзиб олган битикларимни ўқиб, қуйидаги хотираларни тикладим.

Музроб Оғаниёзов (ҳозир марҳум):

— Ҳар куни_эрта билан ишга кетиш олдидан отамнинг ҳузурига кириб, саломлашиб ўтардим. 29 декабр куни ҳам шу одатимга амал қилдим. Отам қаёққадир шошилаётган экан.

— МТСдан одам келибди. Улар билан Чори Бегматовнинг отарига боришим керак.

Уйдан икковлашиб чиқдик. Шу дамда отамни тириклигида сўнгги бор кўраётганим хаёлимга ҳам келмаганди. Мен мактабга, отам колхоз идорасига кетдик. Ҳалигача эсимда, ўша кун ҳаво жуда совуқ, изғирин кишининг ич-ичидан ўтиб кетарди.

Бобоёр бобо Маҳмудов (ҳозир марҳум):

— Ферма мудири бўлиб ишлардим. Кўргазмага қўйни Оғаниёз бобонинг таклифи бўйича Чори Бегматов отаридан танлайдиган бўлдик. Идорадан олти киши бўлиб чиқдик: тумандан келган икки вакил, шофёр, Оғаниёз бобо, Чори Бегматов ва мен. Йўл-йўлакай уйдан ул-бул солинган хуржунни олиб чиқишим кераклигини айтдим. Ҳамроҳларим розилик беришди. Аммо уйга кириб чиққанимда шофёр нимадандир норози бўлиб турган экан.

— Шофёр мошиним носоз, ортиқча одам ололмайман деяпти. Сен бошқа улов топиб изимиздан борарсан, — деди менга Оғаниёз бобо.

Мен қолдим, улар кетишди...

Баҳбид бобо Новбатов (ўша пайтда чорва раиси бўлиб ишлаган, ҳозир марҳум):

— Қорлиқудуқ яйловида кошар қурилишига бошчилик қилаётгандим. Эрталаб соат саккизларда Оғаниёз боболар минган мошин етиб келди. Зевардага, Чори бобонинг отарига кетишаётган экан. Жой йўқ, деб мени мошинга олишмади. Орадан 3-4 соатлар ўтгач, чўпон Бобоназар Холматов у ер-бу ери куйган Дўстбобоевни туяда олиб ўтди. Лекин нима бўлганини айтишмади. Чунки Дўстбобоев беҳуш, Бобаназар эса нима бўлганини ўзи ҳам билмас экан...

4

Машина илонизи чўл йўлларидан манзил сари илгарилаб борарди. Олдинги ўриндиқда ўтирган Оғаниёз бобо неча бор қадамба-қадам кезиб чиққан яйловларига суқланиб тикилар, ҳамроҳлари суҳбатига онда-сонда бир қўшиларди. У шу кезда қадрдон йўлларидан охирги марта ўтаётганини билмасди. Кўзланган манзил — Зевардага узоғи билан уч-тўрт чақирим қолган эди.

Тупроқ йўлнинг қисқа муюлишида юқори тезликда бораётган машинанинг орқа ғилдиракларидан бири чиқиб кетди. Машина қаттиқ қалқиб, оға бошлади. Кутилмаган ҳодисадан кабинадагилар эсанкираб қолишди. Машина юмалар, кишилар сўзсиз ҳалокатга маҳкум эдилар. Фожиа эса куттириб турмади, машина, унга қўшилиб, одамлар ёна бошлади.

Ҳаёт ширин, тириклик имкон. Ҳеч ким бевақт ўлишни хоҳламайди. Бийдай чўл ўртасида қутқарувчисиз қолган кишилар ҳаёт-мамот учун курашардилар, ўлимдан қутулиб қолиш эса беш кишидан атиги бирига насиб этди. Орқа эшик олдида ўтирган Дўстбобоев қандайдир тасодиф туфайли кабинадан чиқа олди. У қанча ётганини билмайди, қаттиқ гумбурлашдан ўзига келган-у, машина портлаганини кўриб, яна ҳушидан кетган. Шу яқинда қўй боқиб юрган Бобоназар Холматовнинг диққатини кўкка ўрлаган қуюқ тутун тортмаганида, у фожиа жойига вақтида етиб келмаганида, эгнидаги кийимлари тутаб ёнаётган фожианинг сўнгги гувоҳи ҳам ҳалок бўлиши, мазкур хотиралар тикланмаслиги тайин эди.

Ҳаёт тасодифларга тўла, фалокат эса баъзан оёқ остидан чиқади. Чори бобо чўлдан қайтганига эндигина бир кун бўлганди, отардошларига тўртбеш кун уйида бўлишини айтганди. Аммо у ҳам тумандан келганларнинг раъйини йиқолмади, хўжалик раҳбарларининг топшириғини бажаришдан бош тортолмади.

МТС бошлиғининг шофёри, яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган Жўра Муродов машинаси носозлигини, узоқ йўлга ярамаслиги мумкинлигини гараждан чиқмасданоқ айтганди, лекин бошқарувчисининг:

— Шу топшириқни бажариб келинглар, кейин бафуржа таъмирлаб оласан, — деганига бош силкиб қўяқолганди.

Яқиндагина институтни тугатган украин йигити В.Благатний йўлланма билан МТС бош ветеринария врачи бўлиб иш бошлаганига кўп вақт бўлмаганди.

5

Фожиа қутлуғ ишга бел боғлаган кишиларнинг ҳаётдан эрта кўз юмишига сабаб бўлди. Улардан сизга, бизга сўнмас хотира қолди. Келинг, хотиралар қатини варақлашда давом этайлик.

Отам — Янгибой Абдиевнинг ҳикояларидан:

— Кундузги соат иккилар эди. Дўстбобоевни қишлоқ касалхонасига олиб келишганини эшитдик. Колхоз раиси Боғи Муродов билан уни бориб кўрдик. Эндигина ҳушига келган Дўстбобоев бизга машина Зеварда яйлови яқинида авария бўлганини, бошқаларнинг тақдири нима бўлганидан хабарсиз эканини айтди. Шошилинч йўлга чиқдик. Биз етиб борганимизда фожиа жойида бир уюм култепа ҳосил бўлганди. Кейин туман раҳбарларига хабар қилдик. Кечга томон ижроқўм раиси Яхши Омонов МТС раҳбарлари, врач Гишайтер билан келди. Бу пайт яйлов уловли, пиёда етиб келган кишилар билан анча гавжумлашганди.

Қишлоқ мактаби ўқитувчиси Рўзи Чўлиев (ҳозир марҳум) ҳикояси:

— Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўша куни уч соатлик дарсдан сўнг ўқувчиларга жавоб бердик, қишки таътил бошланганди. Болалар кетгач ўқитувчилардан мен, Музроб Оғаниёзов, Гулли Наврўзов қишлоқнинг Малла маҳалласига, бир хонадонга меҳмончиликка бормоқчи бўлдик. Йўлимиз колхоз идорасидан ўтарди (ўшанда колхоз идораси Паловхўр бобо тут дарахти остидаги бинода жойлашганди, бу бино ҳозир йўқ). Идора олдида колхоз юк машиналаридан бирининг ҳайдовчиси Жумақул Қорғёдиевни учратдик. У нимадандир ташвишланиб турган экан. Ичкарида кимдир телефон рақамларини шақирлатиб терар, «алло, районданми?» деб бақирарди. Эътибор бермайроқ ўтдик. Сал нарироқ борганимизда Музроб:

— Юрагим нимагадир ғаш бўлаяпти, қайтиб идорага борайлик, нима гап экан? — деди.

Олдинига унинг гапига эътибор бермадик.

— Нима гап бўларди, колхознинг ҳар кунги ташвиши-да, — деди Гулли ака.

Бироқ Музроб сўзида қаттиқ туриб олгач, изимизга қайтдик. Тўпланиб турганлар «авария бўлганмиш», «қаерда» деб пичирлашарди. Шу пайт биров мендан:

— Чори ака уйда эдими? — деб сўради.

Акамни кечқурун кўрган эдим, ярим тунгача гурунглашиб ўтирган эдик, шу боис қисқагина жавоб қайтардим:

— Ҳа.

— Уйингизга бориб, аниғини билиб келинг, — деди ҳалиги киши.

Идорадагиларнинг ташвиши менга ҳам ўтиб, ҳаллослаганча уйга югурдим. Уйдагилар акам тонгда қандайдир машинада чўлга кетганини айтишди. Мен идорага қайтиб келганимда Оғаниёз бобо, акам Чори Бегматов, МТС вакиллари кетган машина ҳалокатга учрагани аниқланган эди...

6

— Ташвишли хабар ҳеч кимни бефарқ қолдирмади, — мунгли қиёфада гурунгини давом эттирди Нурмамат бобо. — Кексаю-ёш оёққа турди, кимдир уловли, кимдир пиёда Зевардага йўл олди. Марҳумларни айрим белгиларидангина аниқлаш мумкин бўлди. Оғаниёз бобони костюмига тақилган орденидан (бурчакларидан оловда куйган бу орден айни пайт мазкур сатрлар муаллифида сақланмоқда), Благатнийни қўлидаги соатидан, шофёр билан Чори бобони ўтирган ўриндиқларидан ажратдик. Фақат темир буюмларнинггина сақланиб қолгани бизга қўл келди.

Кеч кирди. Борлиқ қоронғу пардасига ўралди. Бийдай чўлда изғирин елар, совуқ шамол кишиларнинг ич-ичидан ўтиб борарди. Аммо ҳеч ким қишлоққа қайтишни ўйламасди. Эл энг сара йигитларидан яна тўрт нафарига аза очганди. Кимдир хас-чўп тўплаб олов ёқди. Яйловда гулханлар ёна бошлади. Ҳа, ўша Оғаниёз бобо сингари яйлов билимдони бўлган чўпонларга доимий ҳамроҳлик қилган гулханлар олов тиллари билан кишиларни сеҳрлаб, борлиққа нур сочарди. Элликтача киши тунни мижжа қоқмай, яйдоқ чўлда ўтказди.

Туни билан қариндош-уруғлар марҳумлар хокини қаерга қўйишни маслаҳатлашиб чиқишди. Кўпчилик қишлоқ қабристонига олиб кетишни маслаҳат берди. Аммо туман ижроқўми раиси Яхши Омоновнинг эртаси куни билдирган таклифи ҳаммага маъқул тушди:

— Оғайнилар, яхши одамлардан ажралдик. Фожиа уларни орамиздан юлиб кетди, — деди у. — Бугун биз аза очаётган кишилар бутун умрини эзгу ишга бағишладилар. Эл фаровонлигини, тўкинчилигини ўйладилар. Менимча, марҳумлар хокини шу жойга, кенг яйлов бағрига дафн этишимиз керак. Токим, Зеварда яхшилар хотирланадиган муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолсин. Вақти келиб, авлодлар шу ерга ёдгорлик ўрнатишар.

Шундай қилиб, бутун онгли умри давомида чорва равнақини кўзлаб яйлов кезган Оғаниёз Жумақулов, Чори Бегматов, эндигина ҳарбий хизматдан қайтиб меҳнат фаолиятини бошлаган Жўра Муродов, олис Украинадан йўлланма билан Ўзбекистонга ташриф буюрган ёш мутахассис Василий Благатнийлар хоки сахий яйловлар бағридан жой олди, Зевардада ёнма-ён тўрт қабр пайдо бўлди...

— Мана шу бархандан ўтсак, марҳумлар мангу макон тутган жойни кўрамиз, — деди Нурмамат бобо.

Дарҳақиқат, биз тушган машина унчалик баланд бўлмаган барханни ортда қолдирганида, кўз ўнгимизда тўрт ёнма-ён қабр намоён бўлди.

(Давоми бор).

Ishonch
2010-yil 20-fevral №22-23 (2748)

Журналист текшируви

«Аризангни ёз!»

дейишмоқда аттестациядан ўтолмаган Т.Бобоназаровга

«Кадрлар билан ишлашнинг айрим турлари ходимларда ортиқча ваҳима, ҳаяжон ва чалкашликларни келтириб чиқаради. Буларга, жумладан, ходимларни аттестациядан ўтказиш ва баҳолашни киритиш мумкин. Нима сабабдан фаолият натижаларини назорат қилиш бу қадар ўткир ҳиссиётларга сабаб бўлади?

Балки сиз ҳам шундай вазиятнинг гувоҳи бўлгандирсиз: кадрлар бўлими «Аттестация тўғрисида низом» ишлаб чиқиб, уни бўлинмаларга тарқатади ва «Келаси ойнинг биринчи кунидан бошлаб аттестация ўтказилади» деб эълон қилади. Бироқ, бу тадбирнинг моҳияти ва мақсадини ҳеч ким тушунмайди. Уни а) бюрократик тартибот, б) ҳаддан зиёд мураккаб ва в) компания иши учун бефойда тадбир деб ҳисоблайдилар.

Аттестацияни тайёрлаш ва ўтказиш чоғида қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

— аттестация — имтиҳон эмас;

— аттестация — ишдан бўшатиш усули эмас;

— аттестация — «хўжакўрсинга» эмас;

— аттестация — «ўйинчоқ» эмас;

— аттестация — «мода» эмас.

Аксинча, аттестация ходимларнинг меҳнат унумдорлигини бошқариш усули сифатида бутун фаолиятдаги юксак кўрсаткичлар асосига айланиши мумкин. Агар тўғри қўлланса, аттестация соғлом ва сермаҳсул меҳнат муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган фойдали ҳамда ижобий тадбир бўлади», — деб ёзади психолог, бошқарув бўйича маслаҳатчи Рахиля Мўминова *(«Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома» журнали, 2008 йил 5-сон, 28-бет).*

Бизнингча, ҳам аттестация — ходимлар бошқарувининг муҳим таркибий қисми бўлиб, кадрларни баҳолашнинг самарали шаклидир.

Қонунда кўрсатилган алоҳида ҳолларда ходимлар аттестациядан ўтказилади. Ихтиёрий аттестация ходимларни бошқаришни оптималлаштириш мақсадида, яъни бизнеснинг барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун маъмуриятнинг хоҳиши (қарори)га кўра ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, аттестация — ходимларнинг ишини, аниқроғи, эгаллаб турган лавозимига мослигини баҳолашнинг кенгроқ тарқалган шаклларидан бири ҳисобланади.

Аммо ҳар доим ҳам ходим аттестация натижаларидан рози бўлавермайди.

Таҳририятимизга шундайлардан бири — Денов туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Турсунмурод Бобоназаров шикоят билан мурожаат қилди.

«Мен 1998 йили Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий таъминот техникумини ҳуқуқ ва ижтимоий таъминотни ташкил қилиш мутахассислиги бўйича тугатиб, 2001 йилдан буён Денов туман ижтимоий таъминот бўлимида турли вазифаларда меҳнат қилиб келмоқдаман. 2007 йилда (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги малака ошириш курсини тамомлаб келганман. Оилалиман, 3 нафар фарзандим бор. 2009 йилнинг 30 декабр куни Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан аттестация ўтказилди. Аттестацияда менга берилган саволларнинг 8 тасидан 6 тасига жавоб бердим. Бироқ аттестация сўнгида «Сиз хизмат вазифангизга нолойиқсиз» деб аттестация баённомасига қўл қўйдириб олишди. Бу ҳақда кимга шикоят қилишни билмадим. Чунки вилоят раҳбаримиз ўша пайтда қандайдир юмуш билан чиқиб кетган эди. Айни кунда туман ҳамда вилоят ҳуқуқшунослари ариза ёзиб ишдан бўшашимни талаб қилишаяпти».

Шикоятнинг қисқача мазмуни шу. Таҳририят топшириғига кўра, мурожаатни ўрганиш учун Сурхондарёга йўл олдик. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида бўлиб, бошқарма бошлиғи Б.Қодировнинг кўрсатмаси билан шикоят юзасидан ўзимизга керакли бўлган барча маълумотларни олдик.

Маълум бўлишича, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2009 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги 662-Ф сонли фармойиши ижроси тўғрисида»ги 187-буйруғидан келиб чиқиб, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси 2009 йил 4 декабр куни 239-а сонли буйруқ чиқарган. Буйруқда «бош бошқарма пенсия таъминоти масалалари бўйича ўринбосари, пенсия таъминоти, назорат-тафтиш, пенсия ва нафақа тўлаш устидан мониторинг бўлими бошлиқлари ва ходимлари; туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими бошлиқлари, ўринбосарлари ва фуқароларнинг пенсия таъминоти масалалари бўйича гуруҳ раҳбарлари ва ходимлари аттестация (суҳбат)дан ўтказилиши тўғрисида огоҳлантирилсин» дейилади. Шунингдек, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими бошлиқларига аттестация (суҳбат)дан ўтувчи ходимларни 2009 йил 5 декабргача ёзма равишда огоҳлантириш вазифаси топширилади.

Аммо Денов туман ижтимоий таъминот бўлими ташкилий-ҳуқуқий гуруҳ раҳбари Ў.Тилобов бизга тақдим этган пенсия ва нафақа тўлаш устидан мониторинг гуруҳи нозири Т.Бобоназаров аттестациядан ўтиши ҳақида огоҳлантирилганлиги тўғрисидаги хатга Т.Бобоназаров 2009 йилнинг 23 декабр санаси билан имзо қўйган. Яъни, у расман аттестацияга бир ҳафта қолганда огоҳлантирилган.

Меҳнат кодексининг 9-моддасида аттестация комиссиясининг хулосалари шунга махсус вакил қилинган давлат органлари ва уларнинг инспекциялари томонидан бошқа исботлар билан биргаликда текширилиши мумкинлиги қайд этилган. Аттестация материаллари ўрганилаётганда нафақат ходимнинг малакаси тўғрисидаги хулосалар, балки аттестацияни ўтказиш қоидаларига амал қилинганлиги, аттестация комиссияси томонидан берилган саволлар ходимнинг касбий сифатларини текшириш билан боғлиқлиги ҳам текширилиши лозим.

Шундан келиб чиқиб, 2009 йил 30 декабр куни ўтказилган аттестация комиссияси мажлисининг аттестациядан ўтувчи ходим Т.Бобоназаровга тегишли 120-сонли баённомаси билан танишамиз. Унда баён этилишича, Т.Бобоназаров берилган 8 саволдан 5 тасига жавоб бера олмаган. 1 тасига қисман, 2 тасига тўлиқ жавоб берган. Қизиғи, берилган саволлар тўлиқ келтирилгани ҳолда, жавоблар ўрнига «бор», «йўқ» ҳамда «қисман» деган ёзув билан чекланилган, холос. Яна бир ҳолат эътиборимизни тортди. Ходимга берилган сўнгги саволда «2008 йил 1 январдан бошлаб янги қонун кучга кирди. Ушбуларни айтинг» дейилади. Ушбу саволга Т.Бобоназаров нима деб жавоб бергани бизга қоронғу. Аммо биз таҳририятда мавжуд «Норма» деб аталувчи электрон дастур орқали унга жавоб топишга уриниб кўрдик. Натижада, компьютер экранида қуйидаги жавоблар намоён бўлди. Асқотиб қолар деган мақсадда жавоб вариантини беришга қарор қилдик.

1. «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун;

2. «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун;

3. «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун;

4. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонун;

5. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)»ги Қонун;

6. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун;

7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

Шикоят муаллифининг айтишича, комиссия томонидан «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун назарда тутилган экан. Нафсиламбирини айтганда, ходим 2008 йил 1 январдан кучга кирган қонунларни билган тақдирда ҳам, бу ерда айнан қайси бири назарда тутилаётганини қаердан билсин. Бунинг устига у ҳуқуқ-тартибот идорасининг ходими эмас, ижтимоий таъминот бўлими нозири-ку?!

Шикоятчининг ёзишича, у аттестацияга кирган пайтда вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси раҳбари Б.Қодиров қандайдир юмуш билан ташқарига чиққан экан. Бу ҳақда унинг ўзидан сўраганимизда, ҳақиқатан ҳам Т.Бобоназаров аттестациядан ўтаётган пайтда телефонда гаплашиш учун хонадан чиққанини билдирди.

— Т.Бобоназаров жавоб бераётган пайтда хонада бўлмаган бўлсангиз, нега баённомага имзо чекдингиз? — дея сўрадик Б.Қодировдан.

— Кўпчиликнинг фикрига қўшилдим, — дея жавоб берди у.

Бошқа аъзоларни билмадигу, бироқ ўз ходимининг тақдирига бу қадар енгил қараш бизга эриш туюлди. Боз устига, баённомага аттестация комиссияси раиси имзо чекмаганлиги бизни ажаблантирди.

Меҳнат кодексининг 102-моддаси 2-қисмида «меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда (100-модда иккинчи қисмининг 2-банди) камида икки ҳафта олдин» иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши *МКнинг 67-моддасида кўрсатилган моддий мадад бериш учун белгиланган қўшимча кафолатлар ҳуқуқи тушунтирилиши керак.*

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида вазирлик ва унинг таркибидаги ташкилотларда ишловчи ходимларнинг 2009-2011 йилларга белгиланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тузилган тармоқ келишувида касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб иш берувчининг ташаббуси билан, раҳбар ходимлар ва бухгалтерия ходимларидан ташқари, ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Денов туман ижтимоий таъминот бўлими касаба уюшмаси қўмитасига 2010 йил 22 январ куни 36-сонли тақдимнома билан пенсия ва нафақалар тўлаш устидан мониторинг гуруҳи нозирлари Т.Бобоназаров, О.Чориев, Р.Бердиев ҳамда пенсия ва нафақалар тайинлаш гуруҳи нозири О.Ҳамидовлар билан тузилган меҳнат шартномасини МКнинг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ, аттестация комиссиясининг хулосасига кўра эгаллаб турган вазифаларига нолойиқ деб топилганлиги сабабли бекор қилишга розилик беришни сўраб мурожаат қилган. Бироқ шу чоққача касаба уюшма қўмитасидан бундай розилик олинмаган. Туман ижтимоий таъминот бўлими касаба уюшма қўмитаси раиси Нурмахмат Абдуллаев тушунтириш хатида буни шундай изоҳлайди: «Тақдимномага асосан касаба уюшмаси ўз розилигини бериш учун аттестациядан йиқилган ходим иштирокида розилик берилиш керак. Лекин йиғилишда ходим иштирок этишни хоҳламаганлиги тўғрисида розилик бера олмадим».

Тушунмадингиз-а? Тушунтириш хатини асл ҳолича берганимизнинг сабаби бор. Негаки, биз уни қуйидагича тушундик. Демак, касабақўм тақдимномага асосан йиғилиш ўтказмоқчи бўлган, аммо ходим иштирок этишни хоҳламаганлиги туфайли у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида розилик беришнинг иложи бўлмаган.

Т.Бобоназаров билан боғлиқ ҳолатда иш берувчи томонидан ҳуқуқшунос З.Холов юқорида санаб ўтган қонун талабларининг ҳеч бири (ходимни ишдан бўшатиш тўғрисида касаба уюшма розилигини сўрашдан бошқа) бажарилмаган.

Текширув давомида Т.Бобоназаровнинг шахси ҳақида ҳам маълумот йиғишга ҳаракат қилдик. 1998 йили Тошкент ҳуқуқшунослик ижтимоий таъминот техникумини ҳуқуқ ва ижтимоий таъминотни ташкил қилиш мутахассислиги бўйича тамомлаган. 2001 йилда Денов туман ижтимоий таъминот бўлимига ишга кириб, 2008 йилдан бошлаб пенсия ва нафақалар тўлаш устидан мониторинг гуруҳи нозири вазифасида ишлаб келмоқда. 2007 йилнинг 15 январидан 27 январигача Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ташкил этган малака ошириш курсини тамомлаган.

Унинг бевосита раҳбари, туман ижтимоий таъминот бўлимининг пенсия ва нафақалар тўлаш устидан мониторинг гуруҳи раҳбари М.Усмонова имзо чеккан тавсифномада Т.Бобоназаров «интизомли ходим, етук мутахассис, ҳамкасбларига нисбатан талабчан ходим» сифатида таърифланади. «У ўзига топширилган ҳар қандай ишни қонун доирасида ҳалол бажаради, интизоми ва ишга талабчанлиги билан ходимлар ўртасида обрў қозонган».

Яна бир гап. Т.Бобоназаров билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хатидаги муддат ўтиб кетган бўлишига қарамай, ҳанузгача у ишдан расмий равишда бўшатилгани йўқ.

— Мендан ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиб беришимни талаб қилишмоқда, — дейди Т.Бобоназаров. — Ўз хоҳишим билан бўшасам, келгусидаги меҳнат фаолиятим учун яхши бўлар экан.

2010 йил 8 феврал куни Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг ташкилий-ҳуқуқий гуруҳ бошлиғи Б.Қосимов имзоси билан берилган 61-сонли хатда шундай дейилади: «Сурхондарё вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 3 декабрдаги 662-Ф фармойишига асосан туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг пенсия ва ижтимоий нафақа тайинлаш, молиялаштириш ва тўлаш учун жавобгар бўлган ходимлар аттестация (суҳбат)дан ўтказиш вилоят комиссияси томонидан 172 нафар ходим аттестациядан ўтказилган бўлиб, шундан 123 таси эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 49 нафари нолойиқ деб топилган. 49 нафар эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилган ходимлардан 39 нафари ўз аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган, 10 нафари Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан улар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган» *(хатдаги услубий хатолар қолдирилди* — Ж.Ш.).

Жавобдан Т.Бобоназаров юқорида келтирилган ходимларнинг қайси тоифасига киради, деган савол келиб чиқади. У ўз аризасига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод этилган 39 нафар ходимлар орасидами ёки Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган 10 нафар ходим орасидами? Ҳолбуки, Т.Бобоназаров ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган, шунингдек, уни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ ҳам чиқарилмаган!

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мақолани ёзишдан мақсадимиз Т.Бобоназаровнинг лавозимига лойиқ ёки нолойиқ эканлигига баҳо бериш эмас, балки ҳар қандай шароитда ҳам қонун нормаларига риоя этилиши шартлигини таъкидлашдир. Ушбу ҳолат мисолида айтадиган бўлсак, нафақат Т.Бобоназаровнинг, балки, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган 10 нафар ходим орасидами? Ҳолбуки, Т.Бобоназаров ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган, шунингдек, уни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ ҳам чиқарилмаган!

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мақолани ёзишдан мақсадимиз Т.Бобоназаровнинг лавозимига лойиқ ёки нолойиқ эканлигига баҳо бериш эмас, балки ҳар қандай шароитда ҳам қонун нормаларига риоя этилиши шартлигини таъкидлашдир. Ушбу ҳолат мисолида айтадиган бўлсак, нафақат Т.Бобоназаровнинг, балки, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган 10 нафар ходим орасидами? Ҳолбуки, Т.Бобоназаров ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзмаган, шунингдек, уни ишдан бўшатиш тўғрисида буйруқ ҳам чиқарилмаган!

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Ishonch» мухбири

ги билан уни бошқа янги касбга ўқитиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

- ўқиш давомида жабрланувчига аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

8.41. Меҳнат кодексининг 9 ва 223-моддаларига кўра меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан жамоат текшируви ва назорат қилишни касаба уюшмалари ва унинг таркибидаги меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассислари (хизмати) амалга оширади.

Намуна матни тавсиявий тусга эга.

Масъул тузувчи:
Адилов У.М – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири.

Иловалар 7-бетда

24

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий Муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан келишилган жамоа шартномаларини тузишга оид тавсиялардаги VIII.МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ бўлимининг кенгайтирилган намунаси

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

лар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сонли қарори билан тасдиқланган ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларида тўланиши кўзда тутилган миқдорига нисбатан ____ % кўп миқдорда бир марталик нафақа;

- қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда____%дан_____%гача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ тўлаш. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок

22

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

га мутаносиб равишда ошириб борилади.

Ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш:

иш берувчидан_____-_____га,

касаба уюшмаси қўмитасидан_____-_____га юклатилади.

8.2. Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (календар йил учун тузилади) жамоа шартномасига илова қилинади (**1-илова**).

8.3. Иш берувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 12 ноябрдаги 245-сонли қарори билан тасдиқланган «Корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда меҳнатни муҳофаза қилиш жамғармасини ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом»га биноан Меҳнатни муҳофаза қилиш фондини барпо этади ва уни ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштиришга сарфлайди.

8.4. Ҳар бир иш жойига мослаб иш шароити бўйича меъёрий талабларни

3

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

уларнинг сайлови, ўқувини (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказиш ва тегишли гувоҳномалар бериш.

8.36. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясининг энг яхши аъзоларини тақдирлаш (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турларини кўрсатиш, уларнинг ишларига якун ясаш).

8.37. Корхона ва унинг ташкилий тузилмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услуби олиб борилишини таъминлаш.

8.38. Ҳар ___ нафар ходимга (ишлаб чиқаришдаги шароитларга, бўлинма ва участкаларда жамоатчилик назоратини олиб бориш эҳтиёжига қараб) бир нафар меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни мазкур **Шартноманинг** амал қилиш муддатига сайлаб қўйиш мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

8.39. Томонлар йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга

20

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги, тўғрисидаги ҳақиқий ахволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумотлар ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши шарт.

8.6. Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхонанинг меҳнат муҳофазаси хизмати зиммасига юклатилади.

8.7. Йилнинг биринчи февралигача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиш лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшма қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ходисалар, касб касалликлари ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланиши-

5

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

8.33. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшма органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериши-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлиғига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшма органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшма органининг иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганли-

18

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

нинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлаш (таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгитдан қурилиши лозим бўлган бино ёки хоналар, бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб бериш).

8.12. Ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 24 июндаги 177-сонли қарори билан тасдиқланган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш қоидалари” талабларига мувофиқ ҳолда суғурта қилиш.

8.13. Ҳар беш йилда камида бир марта Меҳнат шароитларига баҳо беришнинг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган услубият асосида иш ўринларини меҳнат шароитлари бўйича шаҳодатдан ўтказиш.

8.14. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра махсус кийим, махсус

7

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

8.27. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабномалар корхонанинг моддий-техника таъминоти органларига ўтказилмасдан аввал касаба уюшма қўмитасининг мажлисларида кўриб чиқиш.

8.28. Ходимларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлилиги, улардан мажбурий фойдаланилишни назорат қилиб бориш.

8.29. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, корхона (хўжалик) раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлигини муттасил текшириб бориш, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор ва (ёки) масъул шахсларни жавобгарликка тортиш масаласида иш берувчига ва (ёки) ваколатли назорат идораларига таклифлар киритиш.

8.30. Жамоа шартномасининг бўлим-

16

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

8.14.4. Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги, уларнинг сақланиши ва ўз вақтида таъмирланишини таъминлаш.

8.15. Меҳнат кодексининг 117-моддасига мувофиқ ноқулай меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтининг қисқартирилган муддатини белгилаш ҳамда 137, 138-моддаларига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос, оғир ва ноқулай табиий иқлим шароитидаги иш учун йиллик қўшимча таътил бериш, шунингдек, бепул даволаш-профилактика озиқ-овқатлари (ДПО) бериш (**28 ва 29-иловалар**).

8.16. Меҳнат кодексининг 217-моддасига мувофиқ, сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бош санитар врачи томонидан 1996 йил 16 мартда тасдиқланган “Меҳнат шароитлари зарарли ишларда бевосита банд бўлган ходимларга сут ёки унга тенг бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш учун тиббий кўрсаткичлар”га кўра тузилган рўйхатдаги касб ва ла-

9

КИРҚИШ ЧИЗИҒИ

этиш; - цех (бўлинма)ларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш мажмуалари ташкил этиш (мазкур шартларни **Жамоа шартномаларини тузишга оид тавсияларнинг XI. АЁЛЛАР МЕҲНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ. АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ВА КАФОЛАТЛАР** бўлимига ҳам киритиш мумкин).

8.22. Ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш тўғрисидаги намунавий Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1996 йил 14 августда 272-рақам билан рўйхатга олинган) талабларига биноан ходимларни меҳнат муҳофазаси бўйича ўқитиш ҳамда билимларини текшириш ишларини ташкил этиш.

8.23. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигидан 1995 йил 18 декабрда 196-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Меҳнат муҳофазаси бўйича вакил ҳақида”ги низомга кўра сай-

14

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

лар – чой, шарбат ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

8.18. Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини таъминлаш (32-илова).

8.19. Корхона ҳудудини ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақлаш, юриш ва ўтиш жойларининг талаб этиладиган оралиқ ўлчамлари аниқ белгиланган бўлиши ва уларга қатъий амал қилиниши, корхонанинг ички транспортидан фойдаланишда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш.

8.20. Мансабдор шахслар ва инженер-техник ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси, технологик интизом қоидалар талабига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирация жиҳозларининг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишни таъминлаш. Бузилган асбоб-

11

Ishonch
2010-yil 20-fevral №22-23 (2748)

ишлаб чиқиш. Бу меъёрий талаблар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда, меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити бўйича меъёрий талаблар ходимларнинг ____ % ни қамраб олиши керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларнинг ортиши муносабати, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартиришларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

8.5. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек, бу шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ходим муттасил хабардор қилиб борилади. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёзлар ва товон пуллари, шахсий ва жамоавий ҳимоя во-

4

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

қонунда белгиланган энг кам иш ҳақининг _____ баробари миқдорида пул мукофоти беришдек моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатади.

Цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишилиб кўрсатилган ходимлар номзоди меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тақдирлашга тавсия этилади.

8.40. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавобгар эканлигидан келиб чиқиб, корхонанинг моддий жавобгар эканлигини томонлар қайд этади.

Томонлар шунга келишдики, корхона жабрланувчига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ иш берувчи жабрланувчига қуйидаги тўловларни тўлайди:

- Ўзбекистон Республикаси Вазир-

21

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Иш берувчининг мажбуриятлари

8.1. Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича (шартнома муддатида, ҳар йили) 20___ йилга_____-минг (млн.) сўм маблағни:

- Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (меҳнатни муҳофаза қилишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси)га _____ минг(млн.) сўм,

- махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари учун _____ минг(млн.) сўм,

- сут ёки унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари учун _____ минг(млн.) сўм,

- гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) учун _____ минг(млн.) сўм цех (бўлим), участка ва ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиққан ҳолда ажратиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Барча режалаштирилган ва ажратишга келишилган маблағлар миқдори жамоа шартномасининг амал қилиш муддати давомида энг кам иш ҳақи миқдорининг ошириб борилиши-

2

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

бўлганнинг ўртача 6 (7, 8, ...,) йиллик даромади миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас) тўлайди, шунингдек, диний маросимларини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

- ходим ишлаб чиқаришга боғлиқ ҳолда жароҳатланганда ёки касб касалликлари оқибатида вақтинчалик меҳнат лаёқатини йўқотганда (Ўз. Р. ВМнинг 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига Ўз.Р.ВМнинг 2002 й.31.05. даги 188-сонли қарори билан ўзгартиришлар киритилган) ўртача ойлик иш ҳақининг 100 % миқдорида ҳақ тўланади.

- тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) ёки Тиббий маслаҳат ҳайъати (ТМҲ) хулосасига мувофиқ жабрланувчи илгариги ишини бажаришга қодир бўлмаса, иш берувчи жабрланувчининг розили-

23

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишларда ишловчи ходимларга жамоа шартномасининг **27 - илова**сида белгиланган рўйхатга мувофиқ, белгиланган муддатларда бериш.

8.14.1. Зарур миқдордаги махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларига бўлган талабномани ўз вақтида тузиш ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бошқарма (бўлим)га, молия бошқармаси (бўлими)га эса маблағ билан таъминлашни топшириш.

8.14.2. Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясини иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олишни амалга ошириш.

8.14.3. Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим ва махсус пойабзал ўрнига янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштириб бериш.

8

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

лари ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими лойиҳаларига таклифларни тўплаш ва уларни меҳнат жамоалари мажлисларида цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар бўйича муҳокама этилишини ташкил қилиш.

8.31. Корхонанинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси томонидан меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётган вақтда цех (бўлим)даги меҳнат муҳофазасининг ҳолати ўрганилаётганда жамоа шартномаси ва унинг меҳнат муҳофазаси бўйича битими бажарилишини текшириш.

8.32 Меҳнат кодексининг 214-моддасига кўра, унда кўрсатиб ўтилган ходимларнинг, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли буйруғи билан белгиланган тартибда дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилишини ҳамда ходимларнинг чиқимдор бўлмаган ҳолда ташкил қилинишини назорат қилиш.

17

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ни назоратга олади.

8.8. Келгуси йил жамоа шартномасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимини тайёрлаш пайтида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиб ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдириш. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификациясини биринчи мартгача тузиб чиқиш ва уларнинг етказиб берилишини таъминлашни тегишли бўлинмага топшириш, молия бошқармаси (бўлими)га эса уларни маблағ билан таъминлашни топшириш.

8.9. Техника хавфсизлиги хоналари учун оргтехника воситалари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш учун зарур бўлган техник воситалар, ўқув ва кўргазмали қуроллар, тарғибот-ташвиқот воситалари, плакатлар ва бошқа анжомларни сотиб олиш.

8.10. Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни 1 октябргача бажариш.

8.11. Санитария-маиший бинолари-

6

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшма органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

8.34. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол равишда бузса, ходимни шахсий ҳимоя воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

8.35. Корхона жамоасининг ташкилий тузилмалари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссиясининг миқдорий таркибини аниқлаш,

19

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ускуналарнинг ишлашига йўл қўймаслик. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назарида асбоб-ускуналарнинг тегишли жойлари ҳамда иссиқ ёки совуқ сув, буғ ва газ қувурларини ўз вақтида меъёр талабларида белгиланган рангларга бўяб қўйиш.

8.21. Корхонада малакали ходима-аёл мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўз иши билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши мумкин бўлган аёллар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиш (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва минтақада юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

- аёллар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

12

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

- ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши муносабати билан малакали аёллардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўлиқ бўлмаган иш кунига ўтказиш;

- меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган аёлларга уларнинг розилиги билан иш хақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун уларга (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) ёрдам қилиш;

- корхона (таркибий бўлинма) қайта ташкил қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган аёлларни биринчи навбатда ишга олиш, зарурат бўлганда, улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

- ҳомиладор ва уч ёшга етмаган болалари бўлган аёлларни қисқартирилган иш вақти режимига ўтказиш;

- ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишларни ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақи сақланиб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун ишдан озод

13

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

возимлардаги ходимларга бепул бериш (**30-илова**):

- сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш, меҳнат шароитини санитария-гигиена қоида ва нормалари талабларига тўла мувофиқ ҳолга келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш;

- Меҳнат Кодексининг 217-моддасига мувофиқ меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда меҳнат қилувчиларга ҳар ойда 400 граммдан гигиена воситалари (ювиш воситалари ёки совун) билан таъминлаш ҳамда уларни бепул олиш ҳуқуқини берадиган касб ва лавозимлар рўйхатини тузиш ва таъминлаш (**31-илова**);

- белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20____йилнинг_____гача топшириш мажбуриятини олади.

8.17. Ишлаётганларни белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминлаш (маблағлар етарли бўлганда бошқа соғломлаштирувчи ичимлик-

10

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ланган Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилларни сайлангандан сўнг бир ой ичида иш берувчи касабақўм иштирокида ўқишини ташкил қилади.

8.24. Ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш борасида жонбозлик кўрсатган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларни маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириб бориш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари

8.25. Касаба уюшма қўмитасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссияси таркибини тасдиқлаш, фаоллар ўқувини ўтказиш (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилган ҳолда).

8.26. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича комиссия аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганликлари устидан доимий назорат ўрнатиш.

15

Давоми, бошланиши 5-6-бетларда

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 1- илова

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЙИЧА БИТИМ

т/р	Тадбирлар (ишлар мазмуни	Ҳисоботга олиш бирлиги	Миқдори	Ишлар қийматининг сўм ҳисобида	Тадбирларнинг Бажарилишмуддати	Ижро учун масъул	Кутилган ижтимоий самара	
							Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар	Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони
							Жами, шу жумладан аёллар	Жами, шу жумладан аёллар
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1.								
2.								
3.								

Корхона раҳбари Касаба уюшма қўмитаси раиси

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 27-илова

Махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№ т/р	Цех, бўлим участка ва ҳоказо	Касб, лавозимлар номи	Берилиши керак бўлган махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситаларининг турлари	Ой ҳисобида кийилиш муддати
1	2	3	4	5
1.				
2.				
3.				

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 28-илова

Қисқартирилган иш вақти, йиллик қўшимча таътил тайинлаш ҳуқуқини берадиган, зарарли меҳнат шароитидаги КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№ т/р	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касб, лавозимлар номи	Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак
1	2	3	4
1.			
2.			
3.			

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 29-илова

Даволаш-профилактика озиқ-овқати (ДПО) билан бепул таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган ўта зарарли меҳнат шароитидаги КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касб, лавозимлар номи	Овқатланиш рациони (касб ва лавозими бўйича 1-ДПО ёки 2-ДПО)
1	2	3	4
1.			
2.			
3.			

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 30-илова

Сут ёки шунга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан иш кунларида бепул таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган ишлардаги КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№	Касб, лавозимлар номи	Сут ёки маҳсулотнинг номи	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо
1	2	3	4
1.			
2.			
3.			

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 31-илова

Меҳнат шароити ноқулай, зарарли ва ифлосланишлар билан боғлиқ ишларда банд бўлган ходимларга гигиена воситалари(ювиш воситалари ёки совун)ни бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлардаги КАСБ ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№	Касб, лавозимлар номи	Ювиш воситасининг миқдори(грамм)	Фойдаланиш муддати
1	2	3	4
1.			
2.			
3.			

Меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси)нинг 20___ йил "___"_____даги ___ -сонли баённомаси билан маъқулланган жамоа шартномасига 32-илова

Дастлабки тарзда ва кейинчалик вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши ташкил қилинадиган КАСБ, ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ

№	Касб, лавозимлар номи	тиббий кўрикдан ўтказилиш муддати
1	2	3
1.		
2.		
3.		

Ҳурматли фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар, деҳқон хўжаликлари ва шахсий томорқа эгалари!

AGROBANK **АГРОБАНК**

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 185 та туман ва шаҳар филиаллари, 468 та минибанки, 189 та махсус кассалари орқали 270 мингдан ортиқ юридик шахс мақомига эга бўлган мижозларга ҳамда 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

2009 йил давомида Агробанк томонидан:

республикамизда чорвачиликни ривожлантиришга йўналтирилган 4 858 та лойиҳани молиялаштириш учун ажратилган 23 миллиард 700 миллион сўм кредит ҳисобига чет эллардан 21 388 бош зотдор қорамоллар келтирилди, 443 тонна гўшт, 15 511 тонна сут маҳсулотлари етиштирилди ва 10 535 та янги иш ўринлари ташкил қилинди;

гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини технологиялар ва ихчам ускуналар сотиб олиш учун ажратилган 7 миллиард 400 миллион сўм кредит ҳисобига 1 339 та иш ўринлари ташкил қилинди;

ҳудудларда чорвачилик учун озуқа базасини кенгайтириш, жумладан омухта ем, шрот ва шелуха сотиш шохобчаларини ташкил этиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган 9 миллиард 500 миллион сўм кредит эвазига 323 та янги иш ўринлари яратилди;

паррандачиликни ривожлантиришга қаратилган 386 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 10 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига паррандалар сони 1 миллион 689 мингтага кўпайтирилиб, 20 миллион 533 минг дона тухум, 270 тонна парранда гўшти етиштирилди, 2 797 та янги иш ўринлари яратилди;

балиқчиликни ривожлантиришга қаратилган 137 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 500 миллион сўм кредит ҳисобидан 296 та янги иш ўринлари яратилди ҳамда 405 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик балиқ маҳсулотлари етказиб берилди;

асаларичиликни ривожлантиришга қаратилган 95 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 1 миллиард 100 миллион сўм кредит ҳисобига 2 525 та янги асалари оиласи яратилиб, 162 та янги иш ўринлари ташкил этилди ва 100 тонна ёки 1 миллиард 200 миллион сўмлик асал истеъмолчиларга етказиб берилди;

иссиқхоналар ташкил этишга қаратилган 299 та лойиҳани молиялаштиришга ажратилган 9 миллиард 300 миллион сўм кредит ҳисобидан 1 499 та янги иш ўринлари яратилди ва 24 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулотлар истемолчиларга етказиб берилди;

4 796 та шахсий томорқа эгалари ҳамда фермер хўжаликларига сабзавот, полиз ва картошка уруғлари, мева ҳамда узум кўчатлари учун 9 миллиард 600 миллион сўм кредит ажратилди, бу кўрсаткич 2008 йилдагига нисбатан 38 фоизга кўпдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини қишлоқ хўжалик техникалари билан таъминлаш мақсадида жами 100 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратилиб, дон ўриш комбайнлари, чопиқ ва ер ҳайдов тракторлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинди.

Банк томонидан 2010 йилда республика аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳамда нарх-навони пасайтиришга қаратилган дастур банкнинг барча 185 та туман филиаллари бўйича ишлаб чиқилган бўлиб, бу лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратиладиган кредитлар ҳисобига ўтган йилга нисбатан 1,5 баробардан кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, қайта ишланади ҳамда 11 928 та янги иш ўринлари яратилади.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ҲАМЮРТЛАР, АГРОБАНК ФИЛИАЛЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ!

Омон бўлинг, МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2010-yil 20-fevral №22-23 (2748)

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

Бадиий гимнастика

Азизанинг медаллари

(Боши 1-бетда)

Чемпионатнинг учинчи куни арғамчи, тўп, ҳалқа ва булавада машқ бажаришга бағишланди. Беллашувларда ҳар бир гимнастика предметидан энг кучли саккизтадан спортчи қиз бор маҳоратини намойиш этди.

Юртдошимиз Азиза Мамажонова бу йилги қитъа чемпионатида энг кучли гимнастикачи эканлигини яна бир карра намоён этди. Унинг тўп ёрдамида ижро этган композицияси энг юқори — 23,925, булавада бажарган машқлари 22,8, ҳалқа ёрдамидаги чиқиши эса 23,275 балл билан баҳоланиб, учта олтин медални қўлга киритди.

Яна бир вакиламиз — Ҳусниябону Ғуломова арғамчида бажарилган машқларда 22,950 балл тўплаб, терма жамоамиз ҳисобига тўртинчи олтин медални қўшиб қўйди.

Терма жамоамизнинг учинчи вакиласи Сарвина Холиқова эса ҳалқада бажарилган машқда 23 балл жамғариб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Гимнастика предметларида бажарилган яккалик баҳслари ҳам қизғин кечди. Унда малайзиялик Ван Нин Ли иккита кумуш, қозоғистонлик Юлия Кизима иккита, Юлия Семёнова ва хитойлик Юн Ли биттадан бронза медалга эгалик қилишди.

Гуруҳлар иштирокидаги ҳалқа ва тасмада бажарилган машқларда ҳам ғолиб ва совриндорлар номи маълум бўлди.

Гуруҳ беллашувларида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилаётган Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Олга Кирякова ва Вероника Угайдан ташкил топган гуруҳнинг ҳалқа ўйнатиш машқларини ҳакамлар 22,9 баллга баҳолади. Бу эса бронза медали деганидир.

Чемпионатнинг гуруҳ баҳслари фаворити — Япония терма жамоаси вакиллари — Сара Огисо, Шихо Сузуки, Мако Сасаки, Момока Нагаиларнинг ҳалқа ва тасмада бажарган машқлари юқори натижаларни қайд этишга сабаб бўлди ва шу тариқа бир жуфт олтин медал қўлга киритилди.

Хитойлик гимнастикачилар – Ду Ксюки, Жао Бинжин, Лю Сидоу ва Вей Йивен гуруҳи ҳар икки машқ бўйича иккинчи ўринни эгаллаб, иккита кумуш медалга сазовор бўлди. Тасмада машқ бажариш беллашувларида қатнашган сингапурлик Хо Вивен, Йилин Фаан, Сим Анн, Чиа Сесилия ўз терма жамоаси ҳисобига дастлабки бронза медални тақдим этди.

Кеча яккаликлар ўртасида бир жуфт олимпия йўлланмаси учун кўпкураш беллашувлари бўлиб ўтди.

Қоидага биноан беллашувларга тўртта гимнастика предмети — арғамчи, ҳалқа, тўп ва булава ўйнатиш бўйича энг кучли спортчилар қўйилди. Улар барча предметлар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Ғолиб ва совриндорлар бажарилган машқларга қўйилган балларнинг умумий йиғиндиси бўйича аниқланди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Азиза Мамажонова кўпкураш беллашувларида биринчи ўринни эгаллади.

Азиза яккаликлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларидан ташқари, тўп, булава ва ҳалқада машқ бажариш бўйича учта олтин, арғамчи ёрдамида бажарилган композицияда эса кумуш медални қўлга киритди. Жамоадошлари Сарвина Холиқова ва Ҳусниябону Ғуломова ҳамкорлигида жамоавий беллашувларда шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Ҳусниябону Ғуломова яккаликлар ўртасида арғамчида бажарилган машқлар бўйича олтин, Сарвина Холиқова эса ҳалқа ўйнатишда кумуш медални қўлга киритди.

Тошкентда ўтган Осиё чемпионати беллашувлари якунланиб, ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бошланди.

Томошабинларнинг гулдурос қарсаклари остида майдонга яккаликлар ва гуруҳ беллашувларида совринли ўринларни эгаллаган гимнастикачилар кириб келади.

Яккаликлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида ғолиб чиқиб, Сингапурда бўладиган ёшлар Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган Азиза Мамажоновага олтин медални Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти Лола Каримова топширди.

Спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янграли.

Иккинчи Олимпиада йўлланмаси ва кумуш медалга қозоғистонлик Юлия Кизима сазовор бўлди. Бронза медал қозоғистонлик Юлия Семёновага насиб этди.

Гуруҳлар ўртасидаги кўпкураш беллашувларида ғолиб чиққан Япония терма жамоаси аъзолари – Сара Огисо, Шихо Сузуки, Мако Сасаки ва Момока Нагаи олтин медал ва олимпия лицензияси билан тақдирланди.

Хитойлик спортчилар кумуш, Зарина Қурбонова, Луиза Ғаниева, Вероника Угай ҳамда Олга Кiряковадан иборат терма жамоамиз бронза медални қўлга киритди.

Тантанали маросим таниқли санъаткорлар ижросидаги катта концерт билан якунланди.

Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Нарзулла МАХАМОВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Муваффақият калити–ҳаракатда

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, бошқа соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам бир қатор ислоҳотлар юз берди. Ютуқлар ҳам узоқ куттириб қўймади. Анъанавий бокс ва кураш турларини қўя туринг, ўтган йили Канаданинг Дартмурт шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида юртдошимиз, касаба уюшма спортчиси Вадим Менков 1000 метрлик масофани 3 дақиқа-ю 55,947 сония ичида босиб ўтиб, олтин медалга сазовор бўлди ва Халқаро эшкак эшиш федерацияси қарорига кўра «Сайёранинг энг кучли эшкак эшувчиси» деб эътироф этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, спортимиз ривожида касаба уюшмаларининг ўрни ҳам бўлакча. Жумладан, Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси Акром Шердонаев биз билан суҳбатда қуйидагиларни гапириб берди:

— Ортда қолган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш, янги спорт иншоотлари қурилиши ва мавжудларини таъмирлашга катта эътибор қаратдик, — дейди суҳбатдошимиз. — Олмалиқ шаҳрида ташкил этилган тармоқлараро қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасида 12 жамоадан 204 киши қатнашиб, умумжамоа ҳисобида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси жамоаси ғолиб деб топилди. Ва совриндорлар Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилган қишлоқ меҳнаткашлари спартакиадасининг республика босқичида муносиб иштирок этиб қайтди. Унда қурилиш ходимларидан Шерзод Расулов (кураш) 3-ўринни, АСМ ходимларидан Отабек Оллоқулов 2- ўринни эгаллаган бўлса, таълим ва фан ходими Канн Александр (стол тенниси) 4-ўринни банд этди.

Ҳозирги кунда вилоят касаба уюшмалари тизимига қарашли 5 та БЎСМда спортнинг ўн тўрт тури бўйича малакали мураббийлар бошчилигида мунтазам машғулотлар ўтказилмоқда. 1-сон БЎСМнинг юнон-рум кураши бўлими мураббийи Исроил Сиддиқовнинг 7 нафар шогирди мамлакат ёшлар терма жамоалари аъзоси бўлса, 4-БЎСМнинг турон, дзю-до, бел олиш курашчилари республика терма жамоалари аъзолари сафида. Ушбу мактаб малакали мураббийларидан Искандар Расулов, Маҳфуза Абдуллаева ва Абдураим Искандаровнинг терма жамоага спортчилар тайёрлашдаги хизмати катта бўлаяпти. Жумладан, дзю-до бўйича Жанубий Кореяда уюштирилган халқаро турнирда Мирзоҳид Фармонов 2-ўринни банд этган бўлса, Латвияда ўтказилган Халқаро турнирда Мирали Шарипов олтин медални қўлга киритиб, 2012 йили Лондонда ташкил этиладиган ХХХ Олимпияда ўйинларида қатнашиш учун илк очколарни жамғаришга эришди.

Ҳозирги кунда БЎСМ тарбияланувчилари — Мирали Шарипов, Мирзоҳид Фармонов, Габит Исембетов ва оғир атлетикачи Руслан Алпанов Лондон Олимпиадасига бориш учун номзод саналиб, ўқув-машғулотларга зўр беришган.

Спортнинг олий маҳорат турида ҳам бир қатор ютуқларга эришилди. Масалан, оғир атлетиканинг пауэрлифтинг туридан Ҳиндистонда ўтказилган Осиё биринчилигида вакилларимиз 7 та олтин ва 1 та бронза медалини қўлга киритиб қайтди.

Вилоят бўйича йил давомида 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 15 нафар спорт устаси, 188 нафар спорт усталигига номзод ва 950 нафар оммавий разрядли спортчилар тайёрланган бўлиб, эзгу ишларни амалдаги йилда ҳам давом эттиришга астойдил чоғланганмиз.

Зеро, меҳнаткашлар ва ёшлар ўртасида турли оммавий спорт тадбирларини ўтказиш, етишиб чиқаётган спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг жисмонан етук бўлиб шаклланишида касаба уюшмаларининг ўрни беқиёс.

Суҳбатни «Ishonch» мухбири
М. НАРЗУЛЛАЕВ
ёзиб олди

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

2010 йил — Баркамол авлод йили

Қулайлик

Ёшларнинг ўз қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишида ўтказилаётган турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларнинг аҳамияти каттадир. Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бўлимларида ҳам бу соҳада ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мисол учун, Бешариқ туманидаги 43-мактабда 6 та фан тўгараклари ишлаб турибди. «Камолот»чи фаоллардан Ирода Тошматованинг ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги натижасида тўгарак аъзоларининг сони 75 кишига етди. 8-синф ўқувчиси Дилдора Қорабоева расм чизиш, рақс тушиш бўйича туман, вилоят босқичларида қатнашиб, яхши ўринга сазовор бўлди. Мактаб ўқувчиларидан 10 нафари Рапқон бокс мактабида спорт сирларини ўрганмоқда. Мактабнинг ўзида 4 та спорт тури бўйича доимий машғулотлар олиб борилмоқда. Бокс бўйича Республика чемпиони, спорт устаси Бобур Асқаров ҳам шу мактабни битирган. Ўқувчиларга бокс билимларидан сабоқ бермоқда.

— Бундай натижаларга эришишда ўқитувчилардан Муяссар Исмоилова, Малоҳат Тошматова, Маҳфуза Манноноваларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. 43-мактаб 2010 йил янги ўқув йилидан иқтидорли ўқувчилар мактабига айлантирилди. Бунинг учун ҳозирда замин ҳозирланмоқда, керакли ҳужжатлар тайёрланди, — дейди мактаб директори Сулаймон Қўчқоров.

Суратда: 1-синф ўқитувчиси Ирода Тошматова дарс пайтида.

Турғунбой МАҲКАМЗОДА
олган сурат

Кадриятларимиз

Мухлиса тикаётган сўзанасига бутун вужуди билан сингиб кетгани учунми, ёнига дугоналари келиб, уни кузатишаётганини ҳам пайқамади. Товланиб турган қуёш, зангори осмон ва етти турдаги камалак ранглари матода ўзгача кўринарди. Улар ҳам гўё ким ўзарга ўйнагандек тезда ишга киришиб кетишди. Чаққон ва эпчил ҳаракатланаётган тўқувчи қизларнинг нозик бармоқлари матога гўё эртанги кун орзу ва ўйларини муҳрлар эди.

Сўзаначи қиз

Жиззах давлат педагогика институтига қабул қилингач, Мухлиса дарс ва ўқув машғулотларидан бўш вақтларида ўқув юрти қошида фаолият кўрсатиб келаётган «Уста-шогирд» цехига қатнай бошлади. Устози Мавлуда Жабборова вақт ўтиши билан унинг бадиий каштачиликка иштиёқи баланд эканлигини пайқаб, буюмдаги кашталарга мос иплар топишда кўмаклашди.

Кўпдан бери вилоятда турли қўғирчоқларнинг ишлаб чиқарилмаслиги ва уларнинг бозор расталарида тақчиллиги Мухлисага тинчлик бермай келарди. Бу унда ҳунармандчилик тўгараги очиб, талаба қизларни жалб этиш истагини уйғотди. Устози ҳам фикрларини қўллаб-қувватлаб, амалий ёрдам кўрсатишга киришди.

Тез орада қўшимча хона ажратилиб, унинг саҳни сўзана, дарпарда, ёстиқ жилд билан тўлди. Хаш-паш дегунча етти турдаги болалар қўғирчоқларининг сони мингдан ошиб кетди.

Мана, бир неча йилдирки ғайратли ҳунарманд уста Мухлиса Қодирова шогирдлари билан тайёрлаган нафис ва чиройли қўғирчоқларни Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи, Жиззах туманидаги 3- ва 6-мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бир қанча умумтаълим мактаб ўқувчиларига совға қилиб келмоқда. Корея, Япония, Ҳиндистон каби давлатлардан ташриф буюрган вакиллар миллий қўғирчоқлардан намуналар олиб кетишди.

— Интилганга толе ёр, — дейди уста ҳунарманд шогирдларига. — Ёшлар ўзлари ёқтирган ҳунарни севиб эъзозласа, жамиятимиз учун келгусида кўпроқ наф келтирса, эл-юрт ўртасида ҳурмат-эътибори ортиб боради.

Мухлисанинг энг яхши фазилати, бу ҳунар ўрганишга интилаётган ёшларга меҳрини дариғ тутмайди. Уларга миллийлик билан замонавийликни бирга қўшиб, ҳунармандчилик сирларини ўргатишдан чарчамайди. Биргина ўзи туғилиб ўсган Жиззах тумани «Раваллиқ» маҳалласида ўн беш нафар ўқувчи-ёшлар Мухлисага шогирд тушиб, нафис, бежирим миллий либослар, болалар ва аёллар кийими ҳамда уй-рўзғорда керак бўладиган буюмлар тикиш каби ҳунарларни ўрганишаяпти. Эндиликда, Ирода Зиёева, Маҳфуза Ёқубжонова, Холида Пирматова, Достон Очилов каби ёшлар мустақил равишда фаолият олиб боришмоқда.

Исми жисмига монанд тиниб-тинчимас Мухлиса сўнгги икки йил ичида республикамизда ўтказиб келинаётган турли кўрик-танловларда иштирок этиб келяпти. Жумладан, 2007 ва 2008 йилларда ўтказилган «Экосан» жамғармаси экофестивали танловларида биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Айниқса, истиқлолимизнинг 18 йиллиги олдидан бўлиб ўтган «Мустақиллик нафасида камол топган ҳунармандлар» кўргазмасининг дипломи билан тақдирланган кунини Мухлиса унутолмайди. У элга қўшилганини ҳис қилди ўшанда.

Эндигина йигирма бир баҳорни қаршилаган Мухлиса айни вақтда Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг педагогика-психология факултети мусиқий таълим йўналиши бўйича 4-босқич талабаси. У ўқув даргоҳида ўтаётган тадбирларда фаол иштирок этиб, тенгқурларига намуна бўлмоқда.

Қишлоқдан чиққан ҳунарманд Мухлиса Қодирова «Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳам ўзининг кўп жиҳатдан устун эканлигини кўрсатиб, «Энг яхши ҳунарманд» дея эътироф этилди. Танловнинг республика босқичида ҳам «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши бўйича бош совринни қўлга киритди ва махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Абдулла САИДОВ,
Жиззах вилояти

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси «Савдогарбанк» ОАТ Хоразм вилоят филиали касаба уюшма қўмитаси раиси Атабек Юсупига укаси **Улуғбек ЮСУПИ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AllAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
A. Toshev
Navbatchi:
N.Махамов
Musahhih:
S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.40

Буюртма Г — 152

20583 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 5